

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОЛЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

№ 38 (1217) 2019 йил 3 октябрь



ЕРЕВАН ШАҲРИГА ТАШРИФ

Марказий банк, йирик давлат банклари ҳамда Кредит бюро раҳбар ходимлари иштирокидаги делегация жорий йилнинг 23-27 сентябрь кунлари тажриба алмасиши мақсадида Арманистон Республикасининг Ереван шаҳрига ташриф буорди.

Бир ҳафталик ташриф давомида Арманистон Республикаси Марказий банки, Кредит бюроси, Молиявий яраштирув оғиси ва етакчи тижорат банклари мутахассислари билан учрашувлар ташкил этилди.

Арманистон Республикаси Марказий банкида ўтказилган учрашувлар давомида кредит ташкилотларини тартибга солиш ва назорат қилиш, кредит ахбороти реестрини юритиш ҳамда маълумотлар алмашиб, истеъмолчиларнинг хукуқларини химоя қилиш ва ахолининг молиявий саводхонлигини ошириш масалалари ўрганилди.

Молиявий хизматлар истеъмолчилари ва уларни тақдим

этувчиликар ўртасидаги баҳсларни мувофиқлаштирувчи Молиявий яраштирув оғисида мазкур оғиси иш фаолияти жараёнлари билан атрофлича танишиб чиқилди.

Ўз навбатида, Арманистон тижорат банклари фаолияти билан яқиндан танишиб мақсадида Аарат банк, ВТБ банк, Америка банк ҳамда Айди банклар мутахассислари билан учрашувлар ўтказилди ва уларда куйидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан:

- банкларнинг ташкилий тузиљмаси ва корпоратив бошқарув тизими;
- чакана кредитлашни стратегик режалаштириш ва унинг ризк-аппетитити;

- депозитларни жалб қилиш ва чакана кредитлаш жараёнлари;

- ҳаракатсиз кредитларни қайтариши ва мониторинг қилиш тизими;

- банкларнинг скоринг моделлари;

- ризк менежмент ва ички назорат;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кўрсатиладиган молиявий хизматлар;

- рақамли инновация.

Шу билан бирга, ушбу масалаларнинг амалдаги жараёни билан танишиб мақсадида ўқорида номлари қайд этилган тижорат банклари филиаллари ташрифлар уюштирилди. Сбн.uz



СПОРТ

“ТРАСТБАНК” ЮБИЛЕЙНИН ЎЗГАЧА НИШОНЛАДИ

Жорий йилнинг 28 сентябрь куни Олий ўқув юртлари спорт мажмуасида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки томонидан банк ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, банкнинг 25 йиллик юбилейини кенг нишонлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган беш мухим ташаббуснинг иккинчи йўналиши бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурига асосан, банк ходимларини жисмонан чиниқтириш ва уларни спорт соҳасидаги қобилиятларини намоён қилишлари мақсадида, бош оғис вифилиллар ўртасида “Спартакиада – 2019” спорт мусобақаларининг финал босқичи ташкил этилди.



“АГРОБАНК”: КЛАСТЕРЛАР ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРМОҚДА

RECEPTION

AGROBANK Xalq farovonligi fao bo'yatimiz mezon

Айни кунда пахта-тўқимачилик клasterларини ташкил этиш ва шу оғали тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасида кўплаб сабй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. “Агробанк” АТБ томонидан ҳам ушбу тармоқни молиявий кўплаб-куватлаш учун кенг кўламли ишлар қилинаётir. Жумладан, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши замонавий шаклларини жорий этиш бўйича шу давргача 74 та клaster корхонаси ташкил этилиб, уларнинг 33 таси билан “Агробанк” томонидан пахта ҳосилини молиялаштириш бўйича банк филиаллари ўртасида шартномалар имзоланди. Унга кўра, пахта-тўқимачилик корхоналарига пахта ҳосилини этиштириши қийматининг 60 фоизи миқдорида 2 042,7 млрд. сўмлик кредит ажратилган.

(Давоми 6-саҳифада)

“КАФОЛАТ СУГ'УРТА КОМПАНИЯСИ” ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ФАОЛ → 3

БИРЖА САВДОЛАРИДА ПАСАЙИШ КУЗАТИЛДИ → 5

ЭНГ КАТТА МАОШИ ТОП ЎНТАЛИГИ → 8

Унинг тантанали очилиш маросимида Банк Кенгаши раиси Тоҳир Шарипов йиғилганларни самимий кутлар экан, мамлакатимизда ёшларга кўрсатилётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳақида алоҳида тұхталыб ўтди.

Банкнинг 25 йиллик юбилейига бағишлиланган мухим спорт тадбирида Сизларни кутлашдан жуда мамнунман! Бугун бизни ёрқин ва унтилмас байрам тадбири кутмокда. Мазкур спорт мажмуасида қизиқарли спорт турлари ва байрам тантаналари муҳити ҳукм сурмоқда, – деди Тоҳир Шарипов. – Мамлакатимизда жисмонан бақувват, соғлом фикрли, билимдон, юксак маънавиятли, шижаотли авлодларни тарбиялаб вояга етказишига қаратилган эзгу ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги спорт тадбиримиз юртимизда амалга оширилётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишига қаратилган. Бугун мен сизлардаги шижаотни кўриб турганимдан янада кувонялман. Банкимиз 25 йил давомида ўз географиясини сезиларли даражада кенгайтириди, банк ходимлари сони бир неча бор ўсади.

(Давоми 12-саҳифада)

ОАВ ХАБАРЛАРИГА МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ МУНОСАБАТИ

Сўнгги вақтларда ом-
мавий ахборот воси-
таларида импорт опе-
рациялари бўйича ва-
люта конвертациясига
чекловлар киритилган-
лиги билан боғлиқ ха-
барлар тарқалмоқда.

Маълумки, 2017 йилнинг сентябрдан эътиборан барча хўжалик юритувчи субъектлар ички валюта бозоридан жорий халқаро операциялар учун хорижий валютани ҳеч қандай чекловлар сиз эркин харид қилиш хукуқига эгаидирлар.

Эркин конвертация амалиёти жорий қилинган вақтдан бошлаб хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ валюта операциялари ҳажми бир неча баробар ошиди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида хўжалик юритувчи субъектларга валюта маблағларини сотиш операцияларининг ўртача ойлик ҳажми 2017 йил кўрсаткичларига нисбатан қарийб 3 баробарга, валюта маблағлари хариди эса 2 баробардан зиёдга ўсди.

Хорижий валюта сотиб олган хўжалик юритувчи

субъектлар сони жорий йилнинг август ойида 7,6 минг нафарга етган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 4,1 минг нафарни, 2017 йилда эса 340 нафарни ташкил этган.

Иқтисодиётни либераллаштириш ва шаффоғлигини таъминлаш билан бир вақтда, давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни кўллаб-куватлаш учун давлат ресурсларидан оқилюна фойдаланиш борасида ҳам тегишли чора-тадбирлар амала оширилмоқда.

Бироқ, амалиётда давлат харидлари доирасида мамлакатда ишлаб чиқарилиши йўлга кўйилган (ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан) товарлар импорти учун давлат ресурсларидан фойдаланиш, уларнинг нархларини ошириб кўрсатиш, шунингдек, тегишли маркетинг тадқикотлари ўтказилмаган ҳолда, ўз фаолиятига хос бўлмаган ва кераксиз товарларни олиб кириш ҳолатлари кузатилиб, бу ўз навбатида иқтисодий асос-

сиз ҳолда давлат ресурсларининг четга чиқиб кетишига олиб келмоқда.

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Ҳукумат томонидан давлат харидлари, инвестиция ва бошқа дастурлари доирасида, алоҳида давлат корхоналарининг импорт шартномаларини ишлаб чиқариш ва инвестиция лойиҳаларида акс эттирилган нархларга мувофиқлиги ҳамда ички бозорда бир хил сифат ва нархлардаги товарларнинг мавжудлигига эътибор қаратган ҳолда экспертизадан ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Амалий жиҳатдан ушбу чора-тадбирлар, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш ва самарадорлигини оширишдаги ҳаракатларнинг бир қисми бўлиб, уларнинг бошқаруви соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида яққолроқ маълумотларга эга бўлишга, шунингдек, қарорлар қабул қилиш жараёнларини яхшилаш ва ушбу корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқишидаги ёндашувлар учун зарур бўлган ахборот-

ЖАРАЁН

таҳлилий базасини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Шу билан бирга, ушбу чора-тадбирлар ишлаб чиқариш эътиёжлари учун маҳаллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат нархлари асосида давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ харидларини қайта йўналтириш орқали уларнинг фаолиятидаги шаффоғлик ва самарадорликни оширишга қаратилган.

Қўрилаётган чораларни валюта сиёсати соҳасидаги чекловлар сифатида талқин қилиш ноўрин ҳисобланади, чунки улар факат давлат харидлари, инвестиция ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шунингдек давлат мулкидаги корхоналарга нисбатан кўлланилаётган бўлиб, маҳаллий иқтисодиётни кўллаб-куватлаш ва унинг алоҳида сегментларини мувофиқлаштиришга ҳисса кўшувчи механизмлардан бирни саналади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётини мувоффакиятида тарзи либераллаштирилган аксарият мамлакатлар ишлаб чиқаришдаги ҳаракатларнинг эҳтимолий салбий таъсириларини олдини олиш мақсадида, асосан дастлабки босқичларда, вақтнинг ҳамда уларнинг бундай шароитларга тайёр бўлмаганлиги билан изоҳланади.

Айни пайтда, барча тижорат банкларида хўжалик юритувчи субъектларга таъсириларни мавжудлигига муслашиши учун маълум муддат талаб этилганлиги ҳамда уларнинг бундай шароитларга тайёр бўлмаганлиги билан изоҳланади.

cbu.uz

МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Замон талабига бинон банк фаолиятида масофавий банк хизматлари оммалашиб бормоқда. Бу хизматларни янада фаоллаштириш, банклар иш жараёнига кўпроқ жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида "Масофавий банк хизматлари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинар-тренингда жаҳон тажрибасида кўлланилаётган масофавий банк хизматлари баён қилиниб, уларнинг айрим турлари юртимиз банкларида ҳам кўлланилаётган ва қатор ютуқлар кўлга киритилаётгани билдирилди.

Марказий банк "Тўлов тизимлари ва ахборот технологиялари департamenti" бошқарма бошалиғи Жамшид Усманов Республика банкларида амалда фаолият кўрсатаётган масофавий банк хизматларига шарҳ берса туриб, уларнинг турлари ва қулийларига ургу берди. Жумладан, Mobile banking банк маҳсулотининг самарадорлиги ва



қулийларни ҳақида сўз юритди. Ўтган йилда Ўзбекистонда 6 383 492 нафар фойдаланувчи бу хизмат туридан фойдаланган бўлса, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра уларнинг сони 9 236 543 нафарга етган. Айниқса бу йўналишда, яъни Mobile banking хизматларидан фойдаланишда республикада "Ипак йўли банки", "Инфинбанк", "Хамкорбанк", "Алоқабанк"лар олдинги ўринларда туриби.

Шунингдек, Mobile banking хизматларига кўшимча равишда, юртимиз банклари ва уларнинг филиаллари, банк манзиллари, телефон рақамлари ҳақида маълумотлар ки-

ритилиши куттилаётган.

Республика ҳудудлари бўйича банкомат ва инфокиоскалар сони йилдан йилга ошиб, 2017 йилда 5415 донани ташкил қилган бўлса, 2018 йилда келиб 6174 та, жорий йилда эса 7743 тага ўтказилган.

Тадбирда мамлакатимиз банкларида келгусида жорий қилиниши куттилаётган янги хизмат турлари ҳақида ахборот берилди. Жумладан, АДЕМ депозитларни автоматлаштириш тизимининг афзалликлари айтилди.

Тадбирда жаҳон тажрибасида кулийларига ишботланган QR-коди ҳақида маълумот берилди. Маз-

кур код орқали турли тўловлар амалга оширилиши, шунингдек, унинг ишлаб чиқариш, логистикада аскотиши билдирилди. Айни кунларда Ўзбекистон шароитида ҳам бу кодни кўллаш тажрибаси ўрганилаётгани айтилди.

Ўзбекистон Республика Марказий банки томонидан жаҳон тажрибасидаги жуда қулий, тезкор ва қатор афзалликларга эта банк хизматлари ўрганилаётган эканки, булар келгусида ҳам юрдошларимиз, ҳам хорижликларга сифати банк хизматларини кўрсата олса, ажабмас.

Умидда ХУДОЙБЕРГАНОВА



АНЖУМАН

Мамлакатимизда банк фаолиятини халқ орасида оммалаштириш, банк хизматларининг оммабоплигини ривожлантириш мақсадида 2018 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Президентимизнинг 3945-сонли "Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Асака" АТ банки томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига "Асака" банк тизимида пластик карталарга хизмат кўрсатиш, уларнинг турлари ва афзалликлари" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжумани ҳам айнан қарор ижросига бағишиланди.

Қайд этиши жоизки, Республика тижорат банклари ичидаги капитали ва активлари ҳажми бўйича етакчи банклардан ҳисобланган "Асака" банк масофавий хизматларни жорий этиш, пластик карталар орқали

нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш бўйича салмоқли ишларни амалга оширилмоқда.

Тадбирда сўзга чиқсан "Асака" АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари Бобохон Абдуллаев ана шу ютуқлар ва банк томонидан пластик карта ва тўлов терминалларини амалиётга жорий этиши бўйича маълумот берди. Унга кўра, банк томонидан ўтган йили 1 828 837 дона пластик карталар муомалага чиқарилган бўлса, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, уларнинг микдори 2 003 233 донага етди. Тўлов терминаллари

эса, шу кунга қадар жами 22 000 донаги ташкил этди. Келгуси йил уларнинг сони жами 23 000 донага етказиш бўйича чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга юртимизда "Humto" миллий тўлов тизимини кенг жорий этилишига ҳам "Асака" банк томонидан муносабиҳ хисса кўшилмоқда. Шу кунга қадар банк 2,5 минг дона "Humto" тўлов терминалларини савдо нуқтасига ўрнатиб, 51 мингдан ортиқ "Humto" тўлов карталарини муомалага чиқарди.

Тадбирда банкнинг "Чакана бизнес" департamenti бошлиғи Бекзод Абдураҳманов ҳам сўз олиб, жорий қилингандан янги банк маҳсулотлари куляйликлари ҳақида маълумот берди. Унинг қайд этишича, "Asaka mobile" иловаси орқали "Оиласий карта" янги хизматидан мижозлар оила аъзоларига кўшимча карталар олиши ва ўз хисоб ракамидан ўзи белгилаган лимит доирасидаги амалиётлар бажариши мумкин экан.

Шунингдек, матбуот анжумани давомида масофавий хизматларни ривожлан-



тириш борасида олиб бориётган ишларга алоҳида тұхталиб ўтилди. Қайд этилдики, банк томонидан масофадан туриб турли тўловларни амалга ошириш хизматлари орқали мижозларга қатор қуляйликлар яратилмоқда. Айниқса, "Asaka mobile" иловасининг жорий этилиши масофавий хизматлар сифатини бир мунча яхшиланишга олиб келди. Натижада 2018 йилнинг 8 ойи давомида жисмоний шахслар томонидан масофавий хизматлар сони 250 млрд. сўмлик 2 млн. 69 минг транзакция амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг 1 сентябрингача 407

млрд. сўмлик 1 млн. 894 минг транзакция амалга оширилди. Бу борада ўсиш суръатлари давом этмоқда.

Мамлакатимизга келаётган сайёхларга қуай шарт-шароитлар яратиш мақсадида "Асака" АТБ биринчилардан бўлиб "MasterCard", "UnionPay", "UzCard" тўлов тизимларини жорий қилди. Банк томонидан келгусида бу йўналишдаги ишларни мукаммаллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Тадбир сўнгигида банк мутасаддилари ОАВ ходимларининг саволларига батафсил жавоб берди.

Умода ХУДАЙБЕРГАНОВА

"KAFOLAT SUG'URTA KOMPANIYASI" ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ФАОЛ

Президентимизнинг 2019 йил 29 апрелдаги "Республика иқтисодиётiga тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юза-сидан "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖнинг матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ мутасаддилари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашдилар. Матбуот анжуманини компания Бошқаруви раиси Сайдолим Насретдинов очиб берди ва компания томонидан амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, компания Бошқаруви раиси ўринбосари В. Грибанова тақдимот шаклида компания вазифалари ва йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Тадбирда таъкидланди, "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ томонидан ўз фаолиятини таомиллаштириш, корпоратив бошқарувнинг янги усулларини жорий қилиш ва рақобатбардошликни ошириш мақсадида стратегик хорижий инвесторлар билан кенг ҳамкорлик



қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг мазкур қарорига асосан инвесторларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетини сотилиш белгиланган ташкилотлар рўйхатида "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" ҳам кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, компания акциялар (улушлар) пакетини ҳарид қилиш бўйича қатор хорижий давлатлар ва халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар олиб борди.

Жумладан, жорий йилнинг 14

майида Rooia Investment LLC (БАА) билан стратегик шерикчилик тўғрисида меморандум имзоланди. Шунингдек, халқаро "Freedom Finance" ва "Silk Capital" каби инвестиция компания вакиллари билан музокаралар олиб борди.

Жорий йилнинг 5 июнь куни Жанубий Кореяning SEAD компанияси ва Yulchon адвокатлик фирмаси раҳбарлари билан, 8 июнь куни NASDAQ Dubai раҳбарлари билан учрашувлар ташкил этилди. Учрашув давомида кўпроқ инвесторларни жалб этиш мақсадида компания акцияларини NASDAQ Dubai фонд

биржасига жойлаштириш таклифи билдирилди.

Шу билан бирга Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан компаниянинг давлат улушини сотиш бўйича ҳам тегишили чора-тадбирлар кўрилди ва бу борада жорий йилнинг 21 сентябрь куни ОТБнинг Вице-Президенти - Ди-вакар Гупта иштирокида навбатдаги учрашувда ҳамкорликни янада чайхтириш бўйича келишиб олинди.

Шунингдек, матбуот анжуманини компания суғурта портфелининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида етакчи маҳаллий ва хорижий қайта суғурталаш ва хатарларни диверсификация қилиш амалга оширилаётгани таъкидланди ҳамда эришилган натижалар рақамларда таҳлил қилинди.

Жумладан, жорий йилнинг 1 ярим йиллигига компания томонидан 1,0 млн. АҚШ долларига тенг суғурта экспорти амалга оширилган. Жисмоний ва юридик шахслар билан 455,9 мингта суғурта шартномалари имзоланиб, 84,2 млрд. сўм суғурта мукофотлари тушуми ўтган йилга нисбатан 146,2 фоизга кўп деганидир. Суғурта ҳодисалари бўйича мурожаат этган мижозларга эса 14 161,2 млн. сўм суғурта қопламалари тўлаб берилган.

Тадбир сўнгидаги компания мутахассислари ва журналистлар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

"KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ
Матбуот хизмати

1 ОКТАБРДАН ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ҚҚС ТҮЛОВЧИСИ БҮЛӘДИ

Барча хўжалик юритувчи субъектларга тенг шартшароитларни яратиш учун қўшилган қиймат солигининг тўлақонли занжирини ташкил этиш мақсадида 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, ягона ер солиги тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчilar қўшилган қиймат солигини тўлашга ўтиши белгиланган.

ДСК матбуот хизмати хабарига кўра, бундай тартиб президентнинг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилшини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5755-сонни фармонига асосан жорӣ этилмоқда.

Хужжатга кўра, 2019 йилнинг 9 ойида пул айланмаси (тушуми) 1 млрд. сўмдан ошган ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суроридаган ер майдонларига эга бўлган ягона ер солиги тўловчилари қўшилган қиймат солиги тўловчиси ҳисобланиси ва белгиланган тартибида ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиши талаб этилади.

Эслатилишича, фармонда 2019 йил 1 августдан қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчilar иختиёрий равиша қўшилган қиймат солигини тўлашга ўтиши

мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, фармонга мувофиқ пахта хомашёсини ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари 2019 йил ҳосилидан бошлаб қўшилган қиймат солигини тўлашга ўтадилар.

Бунда, уларга 2018 йилнинг 1 октябридан илгари бўлмаган вақтда ҳақиқатда олинган ва пахта хомашёсини етишириш учун ишлатилган товарлар (иш, хизматлар) учун тўланган қўшилган қиймат солиги суммасини ҳисобга олиш хукуки берилади.

Бидирилишича, ушбу нормаларнинг амалиётга жорӣ этилиши мамлакатда рақобатбардош ишлаб чиқариши рағбатлантириш, тадбиркорликни ва соғлом рақобат мухитини кўллаб-куватлашга хизмат қиласди.

ЎзА

Марказий банк жисмоний шахсларнинг ҳалқаро тўлов карталаридан (ХТК) нақд пул маблағларини ечиб олиш тўғрисидаги хабарни ёзлон қиласди.

1 ОКТАБРДАН БОШЛАБ БАНКОМАТЛАР ВАЛЮТА БЕРИШНИ ТЎХТАДАИ

2019 йил 1 октябрдан бошлаб мамлакат ҳудудида банкоматлар орқали ХТКдан факат миллий валютани ечиб олиш мумкин.

Бунинг бир нечта сабаблари бор: биринчидан, август ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб жисмоний шахслар – резидентлар банкоматдаги валюта айирбошлаш шоҳобчалари орқали нақд хорижий валютани харид қилишлари мумкин.

Иккинчидан, жиной даромадларни лекаллаштириш билан боғлиқ шубҳали операцияларни амалга ошириш, хусусан мамлакат ҳудудида бошқа шахслар томонидан норезидентларнинг ХТКдан валюта маблағларининг ечиб олиниши ҳолатлари мавжуд ва улар бўйича хатарлар юзага келмоқда.

Учинчидан, қонунчиликка мувофиқ, ўзбекистонда барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валюта – сўмда амалга оширилиши лозим.

Илгаригидек ХТКдан хорижий валютани бевосита банкда ечиб олиш мумкин. Бунинг учун шахсни тасдиқловчи хужжат зарур. Банкоматлар ёки валюта айирбошлаш шоҳобчаларида конвертация қилиниб, сарфланмай қолган сўмдаги пул маблағлари валюта айирбошлаш шоҳобчаларида нақд хорижий валютага айирбошланади.

Norma.uz

"ЎЗАГРОСУҒУРТА" АЖ ЖАМОСИГА

"Банк ахборотномаси" газетасининг шу йил 19 сентябрда нашр этилган 36-сонида "Maқсад суғурта пулини тўламаслик"ми? номли мақола ёзлон қилинган эди. "Янгийўл сут" хусусий корхонаси раҳбари А.Арипходжаевнинг таҳририята қылган мурожаати асосида тайёрланган мақола "Ўзагросуғурта" АЖ жамоасининг жиддий этироziга сабаб бўлди.

Уларнинг мақола юзасидан билдирган радиаси газетада тўлик ёзлон қилиниб, таҳририятынни умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилишда мақола муаллифлари ўқтам Абдуллаев ва Умида Худайбергановалар шикоятни ўрганишда этиборсизликка йўл қўйганлиги айтилди ва "Ўзагросуғурта" АЖ жамоаси билдирган этироziлар ўринли деб тошилди. Шунга кўра ўқтам Абдуллаев ва Умида Худайбергановларга хайфсан берилди.

"Банк ахборотномаси" газетаси таҳририяти "Ўзагросуғурта" АЖдан йўл қўйилган камчиликлар учун узр сўрайди.

Йўқотиш кутилишини маълум килган. Тўғри, бундай ҳолат ставка пасайтирилгандан кейинги дастлабки қисқа даврда кузатилиши мумкин.

Аммо, фикримизча, бундай хавотирларниш ўрнисиз. Чунки, биринчидан, ҚҚСнинг йиғилувчаник даражаси, таҳлиллар кўрсатганидек, 90 фоиздан кам бўлиб келган. Демак, амалдаги 20 фоизли ставка бўйича ҳисоблаб чиқилаётган ҳар йилги ҚҚС суммасининг 10 фоиздан ортиқ қисми бюджетга ундириб олинмасдан солиқ боқимандаси сифатида тўпланиб келган. Ушбу ҳолатнинг ўзи ҳеч қандай йўқотишсиз, 17 фоизли ставка билан ҳам ҚҚС бўйича амалдаги тушумларни таъминлаш мумкинлигидан далолат беради.

Иккинчидан, Президентнинг 27 июндаги ПФ-5755-сонни фармони билан ҚҚС бўйича амалдаги кўплаб имтиёзларнинг олиб ташланиши натижасида ҚҚС занжирили механизмининг тўлақонли ишга тушиши ҳам мазкур солиқ бўйича тушумлар йўқотилишининг оддини олади.

Энг асосий, ўзбекистондаги нормасий иқтисодиётнинг амалдаги саломогидан келиб чиқадиган бўлсак, ҚҚС сабабли бюджет йўқотиши умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Аксинча, ҳозирги 20 фоизли ставкадан чўчиб, ўз тушумларини 1 млрд.лик чегарадан ўтказмай келётган тадбиркорлик субъектларининг солиқ ставкаси 15 фоизга тушарилиши муносабати билан стандарт ҚҚСга ўтишларига рағбат пайдо бўлиши ушбу солиқдан бюджетга тушумларнинг секин-аста кўтарилиб борини таъминлади.

Молия вазирлиги мазкур ҳолатда давлат бюджетига йиллик 10 трлн. Ислом НИЯЗМЕТОВ, Иқтисодиёт фанлари доктори

ҚҚС СТАВКАСИНИ ПАСАЙТИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Маълумки, 2019 йилдан киритилган ўзгаришларга кўра ҚҚСнинг бавозарий ставкасини пасайтиримасдан унинг қамровини кенгайтириши ишлари бошлаб юборилди. Бунда тадбиркорлик субъектларини умумбелгиланган солиқ режимига, яъни ҚҚСга мажбурий ўтказишнинг ягона мезони сифатида ялпи тушум (оборот) белгиланди. Яъни солиқ даврида олинган ялпи тушуми 1 млрд сўмдан ошган ҳар қандай тадбиркорлик субъекти ҚҚС тўлашга ўтказилди. Шу билан бирга, солиқ даври давомида обороти 3 млрд. сўмдан ошмайдиган хўжалик субъектлари учун ҚҚСни ҳисоблаб чиқишининг соддалаштирилган тартибини танлаш хукуки берилди.

Бирок, ҚҚСни ҳисоблаб чиқишининг соддалаштирилган тартибини кўлловчи тадбиркорлик субъектлари олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича кирим қилинган ҚҚС суммаларини ҳисобга олиш хукукига эга бўлмайди. Натижада бундай корхоналар иштирок этган ишлаб чиқариш қишлоқ ҚҚС занжири барibir тўлиқ ишламайди.

2019 йилдан киритилган ўзгаришлар натижасида ҚҚС нуқтаи назаридан тадбиркорлик субъектлари кўйидаги 3 тоифага бўлиниб қолди:

- ялпи тушуми 1 млрд. сўмдан ошмаганлиги учун ҚҚС тўловчиси бўлмаган тадбиркорлик субъектлари;

- ялпи тушуми 3 млрд. сўмдан ошганлиги учун ҚҚС тўловчиси бўлмаган тадбиркорлик субъектлари;

- ялпи тушуми 3 млрд. сўмдан ошганлиги учун ҚҚС тўловчиси бўлмаган тадбиркорлик субъектлари;

Агар, реал ҳаётдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, жорӣ йилда асарият тадбиркорлик субъектлари юзага келаётган ҚҚС муаммосидан кутилиш учун ўз тушумини 1 млрд. сўмдан ошириб юбормаслик чораларини кўришиди. Бунга улар уч хил ўйл билан эришишлари мумкин:

- тушумини 1 млрд.га етказмаслик учун яшириш;
- обороти 1 млрд. сўмга етган фирмани ёпиб, бошқасини очиш;
- параллел фирмалар таъсис этиб, уларнинг оборотини назорат қилиш. Буларнинг барчаси яширик иқтисодиётга йўл очади.
- Юқоридагилардан кўриниб турдикли, 2019 йилдан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ҚҚС механизми соддалашмади, аксинча, янада табақалашиб кетди. Ваҳоланки, солиқ сиёсатни тақомиллаштириш концепциясида солиқка тортиш механизмининг соддалаштирилиши солиқ ислоҳотларининг энг асосий йўналиши сифатида белгиланган эди.



Бу эса, ўз навбатида қўйидаги муаммоларни келтириб чиқарди:

- нархларнинг кўтарилиши ва инфляциянинг кучайиши;

- фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб-китобнинг талаб қилинши ва солиқ маъмурчилигининг мураккаблашви;

- ҚҚС механизмининг тўлик ишламаслиги;

- хўжалик субъектлари томонидан тушумнинг яширилиши, яширик оборотларнинг кўпайиши.

Айнан юзага келган мана шу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорӣ йилнинг 11 сентябрда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишиланган видеоселектор йиғилишида ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилиши лозимлигини таъкидлadi.

Молия вазирлиги мазкур ҳолатда давлат бюджетига йиллик 10 трлн.

Мукаммал дунёда шерикчиликдаги бизнес эгалири, яъни ҳамкорлар ўзаро бизнес муносабатларининг ҳар бир жиҳатини ҳисобга олиб, ҳамма нарса ҳақида олдиндан келишиб оладилар ва буни ҳужжатлаштириб қўядилар. Аммо, биз яшетган олам мукаммалликдан йироқ ва бу бизнесда ҳам ўз аксини топади. Тадбиркорликка киришарканимиз шеригимиз билан ҳамма масалаларни қофозга тушириш у ёқда турсин, оғзаки келишувни ҳам ортга сурасиз ва 50/50 дея бошланган ҳамкорлик муносабатларини боши берк кўчага киритиб қўямиз.

Одатда бундай тенгшерикчилик дўстлар ёки қариндошлар ўртасида бўлади. Аксарият ишбилиар-монларнинг фикри шундай – энг қулай икки кишилик тенгшерикчилик. Бунинг бир неча сабаби бор:

– “битта калла яхши, иккита калла ундан яхши”;

– бизнесга якка киришиш хатарли, икки киши бўлса ҳаркалай хатар ҳам икки баравар камаяди;

– ҳар бир томоннинг ўз кучли жиҳатлари бор (яъни бир томон иккичин томонни тўлдириб туради);

– ва энг мухими бизнесга тикиладиган маблағ ҳар бир томон учун икки баробарга камаяди.

Ҳамкорларнинг дўстлиги ёки қариндошлиги кўнгилга таскин беради – ахир ҳаммасини бирорадлардек келишиб кетиши мумкин да. Айниқса, мўжталадаги лойиҳадан катта фойда келишини тасаввур қилинса борми... Хуллас ҳаммаси ажойиб.

Аммо тез орада 50/50 услубининг барча салбий жиҳатлари бўй кўрсата бошлайди. Мисол учун дўстлардан бири таваккал қилишини ҳуш кўради, иккичиси эса табиатан эҳтиёткор, бир томон оила қуради ва ишга кўй вақт ажрак олмай қолади, табиийки иккичин томонга кўпроқ юк тушади ва албатта у бу ҳолатни ноҳақлик деб ҳисоблашни бошлайди, ва аста секин унинг бу ишга қизиқиши сўнади, иккичин томон аравани бир ўзи тоhtiшига тўғри келади ва ҳоказо.

Келинг, нафақат бизнесни, балки узоқ йиллик қариндош-уругчиликни ҳам барбод қилишига қодир эҳтимолий зиддиятларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқамиз:

1. Вазифалар аниқ бўлиб олинмаган. Ҳар икки томон “ҳамма ишлар” билан бара-

50/50 ЁКИ БИЗНЕСДАГИ ТЕНГШЕРИКЧИЛИК: МУВАФФАҚИYТ КАЛИТИМИ ЁКИ РЕЖАЛАРНИНГ БАРБОД БЎЛИШИ?



вар шуғулланиб кетаверади. Ким нима иш қилганини тайини бўлмайди. Охироқибат томонлар ўртасида турли тушунмовчилик ва эътироzlарга эмас, ким нима қилганини аниқлаштиришга кўпроқ куч сарфлашни бошлашади;

2. Ўртадаги айланма маблағдан шахсий максадлар учун қанча улуш ёки қарз олиш мумкинлиги борасида зиддиятлар келиб чиқади;

3. Ҳамкорлар ким кўпроқ, ким камроқ иш қилаётганилиги ҳақида ўзаро шубҳа-гумонлар тўрига ўралиб борадилар. Кимгайдир шеригининг оддий ходим каби кундулак ишларга ўралашиб қолгани ёқмаса, иккичиси дўсти ўзини раҳбардек тутиб, кундулак вазифаларни бажармаётганидан хафа. Бир тараф бизнес айнан унинг гояси асосида ташкил топганига амин бўлса, иккичин шерик унинг меҳнатларигина ҳамкорликни сақлаб турганига ишончи комил. Айниқса фойдана тақсимлашда зиддият яққол юзага чиқади ва муносабатларга дарз кетади;

4. Масаланинг маънавий жиҳатлари ҳам бисёр. Ҳамкорлардан бири иш ривожи учун кимгайдир пора беришни зарур деб ҳисобласа, иккичисининг вижидони буни асло қабул қила олмайди. Кимдир қарз ёки кредитни кўпроқ олишни ёқлади, бошқа томон эса кредит олиш ва фоиз тўлашга тоқати йўқ;

5. Ҳужжат юритишда камчиликларга йўл кўйиш, масалан ҳисоботларда ниманидир (масалан қарздорлар/насияга мол олганлар, қилинган чегирмалар рўйхати ва ҳоказо) қайд этилсанлик туфайли ҳамкорлар ўзларининг умумий молиявий ҳолатларини тўғри баҳолай олишмайди ва шу туфайли тўғри қарорлар

қабул қила олишмайди, бу эса охир-оқибат томонлар ўртасида турли тушунмовчилик ва эътироzlарга сабаб бўлади;

6. Бизнесдаги тенгшерикчилик мулкка эгалик ҳиссиси сусайтиради. Бир қарашда бизнес эгалари бордек, аммо уларнинг ҳеч бири ўзини юз фоиз мулк соҳиби деб ҳисоблай олмайди. Бунинг ортидан томонларда жавобгарлик ҳиссиси ҳам камаяди, масъулиятни ҳис қилмайдиган бўлиб қоладилар. Юзага келган вазият ишга салбий таъсир килимай қолмайди;

7. Ўзаро келишилган мухим стратегик қарор қабул қилиш (масалан бирор-бир янги бизнес гояни амалга ошириш каби) жуда оғир бўлади ёки буни бутунлай иложи бўлмайди, чунки томонларнинг бизнесдаги улуши тенг, бирор жиддий қарор қабул қилиш учун эса икки томоннинг роziлиги керак;

8. Лойиҳани сотиб юбориш ҳам осон эмас. 50 фоизи улушни ҳарид қилишини кўпчилик ҳоҳламайди, сабаби бу ҳолатда бизнесни тўлиқ назорат қилиб бўлмайди, уни устига бизнесни бўлиш ҳам ўзимас, чунки бунда нафақат ўртадаги мол-мulkни, балки шаклланган мижозлар базаси, йўлга кўйилган ишлар, ходимлар ва брендни ҳам бўлиш керак бўлади, бизнес сотилиши даражасига келиб қолган зиддиятила вазиятда эса буни амалга ошириш фоят мушкун;

9. Бўлинish жараённида ўртада йиғилиб қолган бошқа муаммолар ҳам юзага чиқади.

Хуллас вазият асаби бўш одам кўтарадиган вазият эмас.

Агар сиз юқорида кўрсатиб ўтилган тенгшерикчилик муммомларидан биттасига бўлса ҳам дуч

келган бўлсангиз ёки энди шундай тенгшерикчилик фаолиятини бошламоқчи бўлиб турган бўлсангиз унда бизнинг сизга биринчи маслаҳатимиз – ўзаро ҳамкорлик келишви тузинг ва бунда ўзаро ҳамкорликнинг энг мухим жиҳатларини қоғозга туширинг. Бошида келишув қийин бўлади, аммо буни вақтида қилмасангиз, ҳам бизнесни, ҳам ўзаро муносабатларни хавф остига кўясиз. Агар сиз тадбиркорлик фаолияти билан ҳеч бўлмаса бир йил шуғулланаган бўлсангиз, унда сизнинг ўзингизда ҳам бу борада анча-мунча тажриба йигилган ва сиз нималарга эътибор қартиш кераклиги ҳақида тушунча ҳосил бўлган.

Асосийси, вазиятни шу ҳолатда қолдирманг.

Мана энди, тенгшерикчилик билан боғлиқ қийин вазиятлардан чиқишининг бир қатор усулларини таклиф қилишга бизга ҳам ижозат беринг:

– ўзаро улушни 50/50 эмас, 49/49 тарзда шакллантиринг ва қолган 2 фоизни ҳар иккингиз сўзсиз ишона-диган бирор инсонга тақдим этинг. Айнан ўша киши сизларда юзага келиши мумкин бўлган баҳсли вазиятларда ҳакамлик қиласи;

– бирор тажрибали ва ҳалол мутахассисни бошқарувчи сифатида ёлланг ва бу инсоннинг овози зиддиятила вазиятларда ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлсин. Албатта, бу ягона тўғри ечим эмас (айниқса мураккаб вазиятларда эҳтирослар жунбушга келишини ҳисобга олсак). Лекин айнан одил инсон бизнесни бошқаришига эришинг;

– турли вазиятларда ҳакамлик қилиши мумкин бўлган битта ёки иккита тажрибали маслаҳатчилини ёлланг (масалан молия масалалари ва ёки бизнес бошқарув масалалари бўйича). Лекин бу маслаҳатчилар компания ходимлари бўлмаслиги керак;

– шеригингизнинг улушкини сотиб олиши иложи бўлса шундай қилинг (шунда барча масалаларни ўзингиз ҳал қилаверасиз). Балки шерик ўз улушининг маълум қисмини олиб қолар, аммо асосий масалаларда сизга қаршилик қила олмайди.

Бундай вазиятга тушганлар ёки тушиши мумкин бўлганлар юқоридаги йўллардан бирини танлашлари яхши наф беради деб ўйлаймиз. Энди иш бошлаганлар эса албатта батағсил ёзилган муассислик шартномасини имзолашлари мақсадга мувофиқ.


“Ислом молияси” телеграм канали

ҲАМКОРЛИК БИРЖА САВДОЛАРИДА ПАСАЙИШ КУЗАТИЛДИ

Жорий йилнинг 23-29 августида “ЎЭРТХБ” АЖ да 1003,8 млрд сўмлик битимлар тузилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 7,9% га ўсиб, 481,2 млрд сўмни ташкил этиди.

Шу жумладан, биржаси савдоларининг ҳажми аввалги ҳафтага нисбатан 2,7% га камайиб, 872,2 млрд сўмни ташкил этиди. Валюта савдо майдончиси орқали сотилган товарларнинг суммаси 399,0 минг АҚШ долларини ташкил этиди.

Шундан, 341,7 минг АҚШ долларлик полиэтилен, ва 57,0 минг АҚШ долларлик саноат майдончилини ташкил этиди. Кўргазма-ярмарка савдоларнинг ҳафталик ҳажми 33,7 млрд сўмни ташкил этиди. Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган харидлар 8,6 млрд сўмни ёки тузилган битимларнинг 25,6% ни эгаллади.



Ўтган ҳафтада давлат харидлари бўйича xarid.uz махсус ахборот порталаидан тузилган битимларнинг ҳажми 95,5 млрд сўмни ташкил этиди. Бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг пул маблағини тежалиши 20,5 млрд сўмни ташкил этиди.

Кўриб чиқилаётган давлат мобайнида онлайн аукцион орқали 537 та автомобиль рақамлари сотилди. Сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 2,4 млрд сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 21% биринчи тоифадаги авторақамларга 46% иккичини ва 33% учинчи тоифа авторақамларга тегишилди.

МУРАББИЙЛАР ҲУРМАТДА



2019 йил 30 сентябрь куни азиз устозлар байрами муносабати билан устозларни табриклаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкida тантанали тадбир ўтказилди.

Банк тизими учун малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматларини эътироф этган ҳолда, Марказий банк раҳбарияти томонидан банк тизими учун етук кадрлар тайёрлаш борасида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган бир гурӯҳ мураббийлар совғалар билан тақдирланди.

ЭҲТИРОМ

Устоз – ушбу сўз замира
олам-олам
ҳаётий ҳимматлар
ҳамда ээгулика
йўғирилган инсонийликнинг энг олий туйғулари мужассамдир.
Ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб ушбу кун катта тантана билан нишонланади.



Бу албатта, барчамиз учун қадрли бўлган устоз ва мураббийларга чексиз ҳурмат ва уларга кўрсатилётган эҳтиром намунасиdir. "Агробанк" АТБ офис биносида ҳам банк тизимида фидокорона хиз-

мат кўрсатган, банкнинг тараққий этишига ҳамда бугунги кунда эришган ютуқ ва муваффақиятларига замин яратган устоз ва мураббийлар иштирокида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда банк Бошқарув раиси номидан фахрий устозларга ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар улашилиб банкда узоқ ва самарали хизмат қилган, устозларнинг муваффақиятли ва машақатли меҳнатлари эътироф этилди.

Тадбир сўнгидаги фахрийлар миннатдорчилик сўзлари билдириб, ҳозирги кунда банк тизимида фоалият олиб бораётган ёш нақирон авлод вакилларига соҳа тараққиётига ва иқтисадиётимизни янада ривоҷлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларида ўз билими ва салоҳияти билан муносиб хизмат қилишларини тилаб қолишиди.

Хайрулла ХОЛТУРАЕВ
"Агробанк" АТБ Матбуот хизмати ходими

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Мамлакатимизда 1 октябрь – йўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами деб эълон қилинганилиги юртимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган устоз ва мураббийлар меҳнатининг юксак эътирофи, уларга билдирилган ҳурмат ва эътибор намунасиdir.

"Ипотека-банк" АТИБ бош официда ушбу байрам муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда банк Бошқарув раиси иштирок этиб, ийғилгандарни байрам билан кутлаб, бу айём билан авваламбор, энг биринчи устозларни мубламиш ота-оналарни табриклаш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, тадбир давомида Устоз-шогирд йўналишида фаолият олиб бораётган, ўз билим ва қўнималарини ёш ходимларга ўргатиб келаётган устоз мақомидаги бир қанча ходимларни эътироф этилиб, эсдалик совғалари топширилди.

УСТОЗЛАР БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

1-октябрь санаси мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Банкомолия академиясида ҳам ушбу байрам тантанали равишда нишонланди.

Унда Академия ректори Баҳридин Бердияров сўзга чиқиб, барча ўқитувчи ва мураббийларни ушбу айём билан самимий муборакбод этиб, уларга шарафли ва машақатли фаолиятида зафарлар тилади. Академиянинг фахрли профессори М.Иўлдошев ҳам устоз ва мураббийларни касб байрами билан муборакбод этиди.



Академия тингловчилари ҳам сўзга чиқиб, устозларни қутлар эканлар, уларнинг шарафли ишларидаги муваффақиятлар тилашди. Олаётган қимматли таҳсиллари учун устозларга ўз миннатдорчиликларини билдириши.

Тадбир давомида Академия ректори бир қатор номинациялар бўйича устоз ва мураббийларни тақдирлади.

ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкниң Самарқанд вилояти Бош бошқармасида мазкур кунга бағишлиб байрам тадбири ўтказилди. Унда элимиз ардогидаги инсон, жонкуяр ва меҳнатсевар устоз, "Ўзбекистон қаҳрамони" давлат увони соҳиби – Ҳасан Нормуродов тадбирнинг азиз меҳмони бўлди.



Ҳасан Нормуродов Ватанимизда бугун олиб бораётган ислоҳотларнинг аҳамияти, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадри ҳақида сўзлади. Шунингдек, устоз юрт тараққиёти йўлида ҳар бир фуқаро ўз хиссанини қўшиши лозимлиги ҳақида тингловчининг қалбига этиб борувчи, кишини янада шикоят ва меҳнатга ундовчи мулоҳазаларни ўртага ташлади.


Инсоннинг камол топиши, жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиб етишишида ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни бекиёс. Ҳасан Нормуродов ҳам устозларнинг фидоий меҳнати ҳақида гапириб, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилётган эътибор ҳақида тўхтади.

Тадбирда Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармасида кўп ийлар самарали меҳнат қилиб келаётган устоздек эъзозли мутахассислар ҳам қатнашиб, банк бошқармаси томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

ХИТОЙ БАРИБИР УДДАСИДАН ЧИҚАДИ

Хитой Халқ банкининг расмий вебсаҳифасида жойлаштирилган баёнинг қайд этилишича, Хитой етарида даражада ликвидиликни таъминланган ҳолда ўз иқтисодиётининг сустлашувига қарши курашиби мақсадида айрим иқтисодий тузатишларни жорий этишини режалаштироқда.

Баёнотда айтилишича, "оқилона пул кредит сиёсатини юритишида давом этади ва тегишли чораларни амалга оширади".



Шунингдек, Марказий банк баёнетида маълум қилинишича, реал иқтисодиётда банк тармоғининг ликвидилик оқими яхшиланишига хизмат қилувчи йўллар топилади ҳамда маржанинг қисқариши ва "ёмон" қарзларнинг даражаси ортишидан зиён кўрган чиқирок, банкларнинг сармояларни жалб этиш бўйича чора-тадбирлар кўллаб-кувватланади.

Хитой ЯИМ кўрсаткичи II чоракда йиллик хисобга, яъни сўнгги 27 йил ичидаги минимал суръат ҳисобланмиш 6,2 фоизга ўсди. I чоракда бу кўрсаткич 6,4 фоизни ташкил этанди. Август ойидаги статистик маълумотлар жорий чоракда иқтисодиёт сустланишига ишора қилди.

Аввалироқ, сентябрь ойида Хитой Халқ банки кредитлар бўйича асосий ставкасини яна бир бор пасайтириди.

Ҳар қандай ходим катта
микдордаги маош олишини истиди, бироқ бунинг учун нафақат талабгор мутахассисликка эга бўлиш керак, балки кўп микдордаги маош берга оладиган ташкилотга ишга кириш ҳам талаб этилади.

Glassdoor мутахассислари 2019 йилда энг юкори ҳажмдаги маош берадиган компаниялар рўйхатини тузди. Рўйхатдан ходимининг йиллик ўртacha маоши 130 минг АҚШ долларидан ортадиган компаниялар ўрин олган.

Кўйида энг юкори ўртacha маош берадиган 10 та компания ҳақида маълумот берамиш:

1. Palo Alto Networks

Энг юкори маош: 247-271 минг АҚШ доллари

Ўртacha маош: 170 929 АҚШ доллари

Palo Alto Networks — буташкилотлар, ҳукumat идоралари ва корхоналарнинг киберхавфсизлигини таъминлашга кўмак берадиган, Америкада фаолият юритаётган АТ-компания ҳисобланади.

Компанияга 2005 йил истроиллик тадбиркор Нир Цук томонидан асос солинган. 2007 йилда у ўзининг биринчи брандмауэрини ишлаб чиқарди. Тармоқлар ҳимояси бўйича илор компания соҳибири.

2. NVIDIA

Энг юкори маош: 436-472 минг АҚШ доллари

Кейинги пайтда vestifinance.ru тарқатган маълумотга кўра, ўз акцияларини глобал биржаларда жойлаштириш орқали инвестиция жалб қилаётган компаниялар сони глобал иқтисодиётнинг салбий истиқболлари сабабли жадаллик билан қисқариб бормоқда.

Инвесторлар эртанги кунга ишонч билдириётгани боис янги компанияларга камроқ маблағ сарфлашмоқда.

Жорий йилда ўтган 9 ой мобайнинда 845 та компания бутун дунё бўйича бирламчи оммавий эълонни жойлаштирган. Бу эса 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоиз кам кўрсаткич бўлишидан ташқари сўнгги учийлдаги энг паст даража ҳамдир. Ушбу битимлар ҳисобига компаниялар 116 мил-



лиард АҚШ доллари жалб қилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 23 фоиз паст кўрсаткичидир. Бу эса 2016 йилдаги энг паст натижадир.

Смартфондан маҳсулот ва хизматлар учун тўловни қабул қилиши имкониятига эга терминал сифатида фойдалада-ниш тобора оммалашмоқда. Бунга йирик банклар ва тўлов тизимлари жорий этаётган янгиликлар сабабли эришилмоқда.

Гап шундаки, смартфон ёки планшетлардан pos-терминал сифатида фойдаланиш учун банк томонидан ишлаб чиқилган иловга талаф этилади. Мижоз олдиндан банкдан ариза тақдим этади ва шундак сўнг "эквайринг" битими тузилади.

Маҳсулот ёки хизмат учун тўлов қабул қилиш жараёнида сотувчи иловани очиши ва маҳсулот ёки хизмат қийматини кирилади, ҳаридор эса Apple Pay, Samsung Pay ёки Google Payда ишлайдиган NFC-қурилмаси ёки алоқасиз картани теккизиб кўяди.

Сбербанк бу каби хизматни



2018 йил декабрда Mastercard билан ҳамкорликда ишга туширган эди. Тўлов тизими вакилларидан бири Михаил Федосеев маълум қилинишича, бу Россияда ишга туширилган шу сингари хизматнинг энг биринчиси ҳисобланади. Худди шундай маҳсулотни Visa ёки "Мир" билан ҳамкорликда ишлаб чиқиши борасидаги режалар ҳақида сўралганида Сбербанк вакили

СМАРТФОНЛАРГА ЯНА ФУНКЦИЯ ҚЎШИЛМОҚДА

"ҳозирда технологияларни мақбуллаштириш ва истиқболда жорий этиш йўлларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинаётганини қайд этди.

Айнипайтда смартфонатўлов қабул қилиш имконини берувчи технологииларни ишлаб чиқиши билан бир қатор йирик IT-вендорлар ва молиявий технологик компаниялар шуғулланмоқда. Visa вакили маълум қилинишича, тўлов тизими бозорнинг йирик иштирокчилари билан ишлаб келмоқда. Бу қарор эквайринг бизнесини тўлдиради ва ҳозирча хизмат ёки маҳсулот учун тўловлар нақд шаклда амалга оширилётган соҳаларда электрон тўловлар тармоғини кенгайтиришга имкон беради.

ЭНГ КАТТА МАОШИ ТОП ЎНТАЛИГИ



Ўртacha маош: 170 068 АҚШ доллари

NVIDIA — график процессор ва чипда ишлайдиган тизимларни ишлаб чиқарувчи технологик компания (АҚШ).

Компания видеоЯйнлар саноати, профессионал тасвирга тушириш тармоғи, юкори ишлаб чиқариши кувватига эса қўшилмалар ва автомобиль саноати учун муҳим дастурӣ таъминотларни тақдим этади.

3. Twitter

Энг юкори маош: 255-274 минг АҚШ доллари

Ўртacha маош: 162 852 АҚШ доллари

Twitter — веб майдон ёрдамида оммавий ҳабарларни тарқатиш ижтимоий тармоғи саналади ва турли ёшдаги фойдаланувчиларни ўзига

жалб эта олганлиги билан ажralиб туради.

Қисқа ёзишмаларни "блог" шаклида нашр қилиш "микроблогинг" номини олган бўлиб, ушбу хизматдан фойдаланиш бепулдир.

4. Gilead Sciences

Энг юкори маош: 377-411 минг АҚШ доллари

Ўртacha маош: 162 210 АҚШ доллари

Gilead Sciences — Американинг биофармацевтик компанияси бўлиб, дори воситаларни ишлаб чиқаради.

1987 йилда ташкил топган компания аввалига тумов, гепатит В ва С, ОИРВ сингари касалликларни даволайдиган дори воситаларни ишлаб чиқаришига ихтисослаштирилган эди.

Кейинроқ фирма фаолиятида он-

кологик касалликларни даволашга қаратилган дори воситаларни ишлаб чиқиши асосий ўринни згаллади.

5. Google

Энг юкори маош: 695-762 минг АҚШ доллари

Ўртacha маош: 161 254 АҚШ доллари

Google — Американинг трансмиллий оммавий корпорацияси бўлиб, 2015 йил 15 октябрда Alphabet Inc. ҳалқаро компания таркибида қайта ташкил этилган. Компания ўз фаолиятини интернет қидириш тизими, булутли ҳисоблар ва реклама технологияларига сармоя киритишига багишланади.

Google бир қатор интернет хизматларни қўллаб-кувватлайди ва ишлаб чиқади. Ўз даромадининг асосий қисмини рекламадан топади.

Шунингдек, кейинги поғоналарни VMware (йирик дастурий таъминотчи компания) йилига ўртacha 158 063 АҚШ долларилрик иш ҳақи билан, LinkedIn (ишибилармонлар доирасини излаш ва улар ўртасида алоқа ўрнатишга ихтисослашган тармоқ) йилига ўртacha 154 402 АҚШ долларилрик маоши билан, Facebook (дунёнинг энг йирик ижтимоий тармоғи) йилига ўртacha 152 962 АҚШ долларилрик иш ҳақи билан эгалади. Тўққиз ва ўнчини ўрнинларда эса Salesforce.com (йилига ўртacha 150 379 АҚШ доллари) ва Microsoft (148 068 АҚШ доллари) компаниялари турибди.

AMAZONДАН 5 ТА ЯНГИЛИК

Amazon компанияси яқинда ўтказған тақдимотта ўн бешдан ортиқ күрилмалар — камерадан тортиб, роутер, овоз күчайтиргич, симсиз кулоқчинлар, микротұлқынли пеңві ва башқа турдаги мосламаларни намойиш этди.

Amazon Echo Frames

Echo Frames күзойнаклари оддайга ўхшаб туулади. Бирок буунда ореп-еат технологияси күлланилган бўлиб, Alexa номи билан юритилувчи овозли ёрдамчи орқали мулокот ўрнатишнинг имкони бор. Күзойнаклар смартфонга яқин жойлашган бўлиши керак. Сабаби уларда интернетни улаб берувчи Wi-Fi модули мавжуд эмес. Натижада күзойнакни овозли ёрдамчи

сифатида кўллаш мумкин: унда мусиқа тинглаш ёки кўнғироқларни амалга ошира бўлади. Куввати бир кунга етади. Нархи ўртача 180 АҚШ долларига тенг.

Echo Loop узуғи

Echo Loop узуғи — Alexa номли овозли ёрдамчига, шунингдек микрофон ва динамикага эга узук кўринишидаги мослама. Узук орқали сұхбатлашиш учун курилмадаги махсус тугмачани бо-

шиш керак.

Худди юқоридаги кўзойнак сингари тўлиқ ишлаши учун смартфон керак бўлади. Узук титандан тайёрланган бўлиб, эълон қилинган нархи 130 АҚШ долларига етади.

Echo Studio

Amazon "акли" овозкучайтиргич Echo Studioни тақдим этди. Унинг ҳажми Apple HomePod ва Google Nest Max билан деярли тенг. Бу янги курилма аввалгиларига қараганда каттароқ ҳажмда ишлаб чиқарилган бўлиб, Dolby Atmos дастурли 3D-овозни тарқатади.

200 АҚШ долларилик Echo Studio Music HD стриминг хизмати учун махсус ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида мусиқани сифатли тинглаш мумкин. Курилмада уча ўртача динамика, твітер ва сабвуфер мавжуд бўлиб, корпусига ўрнатилган микрофонлар бинонинг турига қараб автоматик равишда турлича ишлайди.

Amazon's Echo Buds

Amazon "бутунлай" симсиз кулоқчинлар Echo Budни намойиш қилди. Курилмада Alexa номли овозли ёрдамчи ва Bose дан шовқин йўқотувчи технология ишлайди. Улар ёрдамида ҳатто такси чақирса бўлади ёки саир қишли мобайнида яқиндаги қаъвахонани

топса бўлади. Кулоқчинлар сув ва чангдан IPX4 стандарти бўйича муҳофаза этилган. Echo Buds учта микрофон билан таъминланган. Имо-ишоралар орқали бирор ҳаракатни амалга ошириш имконияти бор, масалан, тугмани кетма-кет иккى марта босиш Bose шовқинни бартараф этиши хизматини ўчиради ёки ёкиб кўяди. Кувватлагисиз беш соат мобайнида ишлай оладиган курилманинг нархи 129 АҚШ доллари бўлиши кутилоқда.


Amazon Smart Oven

Amazon янги интеллектуал печ — Amazon Smart Ovenни тақдим этди. Курилма микротұлқынли, конвекцион пећ, курилтич ва таомни бир хил ҳароратда ушлаб турувчи во-ситаларнинг аралашмасидан тарқиб топган. Микротұлқынли пећ эгаси Alexa овозли ёрдамчисидан у ёки бу таомни тайёрлаб беришни сўраши мумкин. Alexa эса егули тайёр бўлганда хабар беради. Amazon Smart Oven Echo Dot белуп овозкучайтиргичи билан етказиб берилади. Сабаби курилмага микрофон ёки динамикалар ҳозирча ўрнатилмаган. Тез орада печни АҚШдан 249,99 долларига буюртма қилиш мумкин.



FACEBOOK ВА APPLE БАНКЛАРНИНГ ЎРНИНИ БОСА ОЛАДИМИ?

Сўнгги вақтларда банклар янги турдаги молиявий технологик стартаплар билан ҳамкорликни ривожлантиримоқда. Бироқ Facebook ва Apple сингари технологик гигантлар ҳам молиявий хизматларни тақдим этадиганда ишлайди. Улар ҳам жадал суръатларда ишлайтина түғри келмоқда.



Йирик банклар замона зайлига қараб ишлаш ва ўзгариш лозимлигини аллақачон англаб етган. Шу боис кўплаб банклар ҳамкорлик битимларини тузмоқда ёки айрим рақобатбардош стартапларни харид қилмоқда.

Лондонда SWIFT томонидан ташкиллаштирилган Sibos конференциясида банклар раҳбарлари баёнотига кўра, банкларнинг ҳамкорлигидан кўзланган мақсад ягона: махсус технологик кўнкималарга эга бўлмасдан турб Facebook ёки Apple сингари компанияларнинг техник имкониятини кўлга киритишдир. Ҳамонки банклар қаттый тартибга солинар экан, технологик компаниялар билан ҳамкорлик истиқболлари ҳам қимматга тушмайдиган янги маҳсулотлар билан тажриба ўтказишига имкон беради.

"Биз, шубҳасиз, кўплаб молиявий технологик компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатамиз, бунинг яна бир сабаби ўрганишига

бўлган эҳтиёжнинг катталиги, — деди Westpac компаниясининг тараққиёт бўйича бош директори Макгрегор Дункан. — Айни пайтда банкларнинг салоҳияти ва имконияти янада ошиши учун ҳам ҳамкорлик ўрнатиб келмоқдамиз. Зотан, бундай лойиҳаларни банк ичидаги ташкил эттанимизда бунга кўпроқ вақт ва маблағ сарфланган бўларди. Шу боис кўп нарса талаб этилмайдиган лойиҳаларга қўл уриш таваккалчилик даражасини пасайтиради".

Банклар жадал суръатларда ҳаракат қилишига тўғри келади, сабаби технологик гигантлар оммавий молиявий хизматларни борган сари қамраб олмоқда.

Аввалроқ Deutsche Bank бош директори Кристиан Шивинг Google, Amazon, Facebook ва Alipay сингари компанияларни банкларнинг "бозордаги улушкини тортиб олаётган"лар сафига киритганди.

Хитойдаги технологик компаниялар истеъмолчиларнинг ҳара-

жатига таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Alipay ва Tencentning WeChat Pay мобиль ҳамёнларнинг мамлакатдаги нуфуз ортиб бормоқда.

Айни пайтда Американинг гигант компаниялари ҳам муваффақият қозониб келмоқда: Apple яқинда Goldman Sachs билан ҳамкорликда кредит картани ишга туширган бўлса, Facebook кўп баҳсларга сабаб бўлаётган Libra номи билан атalgан рақамли валюта лойиҳасини жорий этди.

"Улар мижозларни жалб этиш учун катта миқдордаги маблағини сарфлашига тўғри келади", — деди Bud молиявий технологик фирмаси бош директори Эд Маславецкас.

Bud ўзининг Лондондаги бош идорасида банкларга ўзидағи ва молиявий компанияларнинг иловалари ҳамда молиявий хизматлар таъминотчиларининг маълумотларини бирлаштириш имконини берувчи майдон ишлаб чиқмоқда. 2016 йил Bud фирмаси бир неча таъминотчиларнинг молиявий хизматларини ягона иловага бирлаштиришга ҳаракат қилганди. Ўтган давр мобайнида мазкур лойиҳа бир неча бор таъномиллаштирилди. Bud технологияси банк мижозларига ўзларининг молиявий маҳсулотларини ягона илова ёрдамида бошқариш имконини берувчи янги хизматларни ташкил этмоқда.

Bud раҳбари кўшимча қилишича, Apple ўзи томонга кўплаб мижозларни оғдириб олаётгандилиги боис банклар учун "катта хавф" туғдиради. Айнан шундай фирмни Accenture консалтинг фирмаси вакили Сулабх Агарвал хам илгари сурди.

ИНҚИРОЗНИНГ ИЛК УЧҚУНЛАРИ: ГЛОБАЛ ҚАРЗДОРЛИК РЕКОРД ДАРАЖАДА ЎСДИ

Ўнинг IPO бўйича маслаҳатчиси Мартин Штайнбахнинг Фикрига кўра, пасайиш сабаблари глобал иқтисодид ўйиши сустлаши билан боғлиқ хавф, шунингдек геосиёсий таваккалчилик туфайли юзага келган мавҳумлик, жумладан АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо зиддияти, ЕИ таркибидан Буюк Британиянинг чиқиб кетиши, Гонконгдаги можаролар ва Эрон омили билан боғлиқ.



Японияда битимлар ҳажми 57 фоиз қискарди ва 12 IPO га етди. Тушум 2018 йилнинг III чорагига нисбатан 74 фоиз камайди ва 488 миллион АҚШ долларига етди. Жанубий Шарқий Осиёда кўрсаткичлар салмоқли ўсди, сабаби ҳудудда 2,9 миллиард АҚШ долларилик тушум 40 IPOга тенг бўлди.

Трансчегаравий IPO фаоллиги сезилмас даражада ортиди. 2019 йил аввалидан бўён 10 фоиз ортида ва 2018 йилга нисбатан 9 фоиз ўсди. Бундан ташқари, инвесторлар кайфияти ва IPOга бўлган иштиёқ 2019 йил IV чорагида яхшилашиши мумкинлиги таҳмин қилинмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИННИНГ
ҖАРОРИ**

БАНКЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ
ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги томонидан 2019 йил
30 июнда 2014-16-сонли рақам
билин рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг
“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түгрисида”ги, “Банклар ва банк фАОлияни түгрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллашириш түгрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июндаги 555-сон “Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси кўриқлаш хизматининг фАОлияни ташкил этиш түгрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билин тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фАОлияни лицензиялаш тартиби түгрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартаришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзгартаришларнинг 2-банди 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

**Марказий
банки раиси** **М. НУРМУРАТОВ**
Тошкент ш.,
2019 йил 13 июль,
15/12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 13 июлдаги 15/12-сон
қарорига
ИЛОВА

БАНКЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ
ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМГА
КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 42-банддаги “ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлимлари” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 90-банднинг биринчи хатбошисидаги “эн кам ойлик иш ҳақининг” деган сўзлар “базавий ҳисоблаш миқдорининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ
ҖАРОРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ
ТҮГРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда 1948-18-сонли рақам билин рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түгрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллашириш түгрисида”ги Фар-

монаига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартағи 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билин тасдиқланган Ўзбекистон

Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобвараклари түгрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартаришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзгартаришларнинг 1-банди 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/4-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ
ТҮГРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 8-банднинг бешинчи хатбошидаги “эн кам ойлик иш ҳақининг” деган деган сўзлар “базавий ҳисоблаш миқдорининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 33-бандда:

иккичи хатбоши чиқариб ташлансан; учинчи хатбоши иккичи хатбоши деб ҳисоблансан.

3. 46-банднинг биринчи хатбошидаги “суршириувчи, терговчи” деган

сўзлар “терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суршириувчи, терговчи” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ
ҖАРОРИ**

ТИКОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН НОРЭЗИДЕНТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА
ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда 510-6-сонли рақам билин рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түгрисида”ги ва “Валотани тартибиға солиш түгрисида”ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 231-сон билан тасдиқланган Тикорат банклари томонидан норэзидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги

хисобваракларини юритиш тартибига (рўйхат рақами 510, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартаришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банки раиси

Тошкент ш.,
2019 йил 20 июль,
16/6-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 20 июлдаги 16/6-сон қарорига
ИЛОВА

**ТИКОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН НОРЭЗИДЕНТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА**

1. 2.1-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа холларда”.

2. 4.1-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.1. Банк фАОлияни билан шуғулланши ёки хорижий валютада операцияларни ўтказиш учун тегиши лицензияга эга бўлган хорижий банклар Ўзбекистон Республикасининг тикорат банкларида “лоро” корреспондентлик ҳисобваракларини очишлари мумкин.”

3. 4.3-банднинг тўртнинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа жорий халқаро операциялардан олинган, шунингдек, норэзидентларнинг қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблаглари.”

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ
ҖАРОРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА БАНКЛАРДА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТЛАРНИ
МУХОФАЗАЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮГРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИНГ 6-БАНДИГА ЎЗГАРТИРИШ
КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда 1047-4-сонли рақам билин рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июндаги 555-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизматининг фАОлияни ташкил этиш түгрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий

банки Бошқарувининг 2001 йил 23 июннаги 14/13-сон (рўйхат рақами 1047, 2001 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирларни, давлат қўйиталари ва идораларининг меъбрый ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 13-сон) қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси худудида банкларда электрон ахбо-

ротларни муҳофазалашни ташкил этиш түгрисидаги йўриқноманинг 6-банди “Ички бандидаги “Ички ишлар органлари кўриқлаш бўлинилалари” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банки раиси

Тошкент ш.,
2019 йил 10 август,
18/18-сон

М. НУРМУРАТОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИННИНГ
ҚАРОРИ**

**МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН
МОЛИЯВИЙ ОПЕРАЦИЯЛарНИ АМАЛГА
ОШИРИШ ҚоидалариГА ўзГАРТИРИШ ВА
Қўшимчалар КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 2019 йил 29 августда 1642-5-сонли
рақам билан рўйхатдан ўтказилди**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси
нинг Марказий банки тўғрисида”ги, “Микрокредит ташкилотлари
тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон “Микромолиявий хиз-
матлар оммаболигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 7 октобрдаги 24/3-сон қарори (рўйхат рақами 1642,
2006 йил 23 ноябр) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 470-модда) билан тасдиқланган
Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни
амалга ошириш қоидалари оловага мувофиқ ўзгартирish ва
қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 10 август,
18/5-сон

М. НУРМУРАТОВ
Марказий банк
Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги
18/5-сон қарорига
ИЛОВА

**МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН
МОЛИЯВИЙ ОПЕРАЦИЯЛарНИ АМАЛГА
ОШИРИШ ҚоидалариГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎзГАРТИРИШ ВА Қўшимчалар**

1. 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
“Микрокредит ташкилотлари банклар, сургута компаниялари ва
бошқа молия ташкилотларининг агенти сифатидаги агентлик хизматларини
фоаилиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий киргизи куролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиб бўйича қонун ҳужжатлари нормаларини
бажариш шарти билан қатнашиб хукуқига эга.”.

2. 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:
“жисмоний шахсларга хорижий валютада микрокредитлар
(микроқарзлар) бериш ва микрокредитлар (микроқарзлар) бўйича
уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олишга;

иллари олинган микрокредитлар (микроқарзлар) бўйича
сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда
жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатишга.”.

3. 7-банд ўз кучини ўқотган деб топипсин.

4. 9 ва 91-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Бир қарздорга берилган микроқарз миқдори 50 млн сўмдан
ошиша мумкин эмас.

Бир қарздорга берилган микрокредит миқдори 300 млн сўмдан
ошиша мумкин эмас.

91. Микрокредит ташкилотлари барча ишончли (бланкли) кре-
дитларнинг улар шакллантирган устав фондига фоиз нисбатини
мустақил равишда белгилайди.”.

5. 10-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, микрокредит ташкилотлари жисмоний шахслардан
қиска муддати микромолиявий хизматлар таъминотига кўчмас ту-
тар жой мулкани гаров сифатидаги қабул килиш такиленади.”.

6. Қуйидаги мазмундаги 101-банд билан тўлдирилсин:

“101. Микрокредит ташкилотлари потенциал қарз олувчини
масофадан турбид идентификациялаш, маълумотлар хафзисиз ал-
машувини ашириш ва скоринг модели асосида қарз олув-
чинин кредит қобилиятини баҳолашни таъминлаш шарти билан
жисмоний шахсларга онлайн-кредитлар (микроқарзлар) бериш
хукуқига эга.”.

7. 12-банддаги “энг кам иш ҳақининг иккى минг баравари
миқдоридан” деган сўзлар “600 млн сўмдан” деган сўз билан ал-
маштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИННИНГ
ҚАРОРИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ СИЁСАТИГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ўзГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 августда

905-6-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий
Банки тўғрисида”, “Банклава банк фаолияти тўғрисида”ги
қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил
23 июлдаги ПҚ-4400-сон “Микромолиявий хизматлар оммаболи-
гини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқаруви қарор қиласди:

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 10 август,
18/6-сон

М. НУРМУРАТОВ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги
18/6-сон қарорига
ИЛОВА**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ СИЁСАТИГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР
ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ўзГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

кучирма тақдим этилади.”.

3. 2-3-банд қуйидаги мазмундаги

хатбошилар билан тўлдирилсин:
“Кредит сиёсати банкларга
тақиқловчи қуйидаги қоидаларни ўз
ичига олиши керак:

жисмоний шахсларга хорижий
валютада кредитлар (қарзлар) бе-
риш ва кредитлар (қарзлар) бўйича
уларнинг мажбуриятларини хорижий
валютада кредитлар (қарзлар) бўйича

иљгари олинган кредитлар (қарзлар)
бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд
бўлган тақдирда жисмоний шах-
ларга хорижий валютада хисобга олиш.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

БОШҚАРУВИННИНГ

ҚАРОРИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КАССА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, НАҚД ПУЛ ВА
БОШҚА ҚИММАТЛИКЛАРНИ ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШГА ДОИР ЙЎРИҚНОМАГА
ЎзГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда

3028-3-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Вазир-
лар Мажхамасининг 2019 йил 3 июл-
даги 555-сон “Ўзбекистон Республика-
си Миллий гвардияси кўриқлаш
хизматининг фаолиятини ташкил
этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки Бошқаруви қарор қиласди:

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/9-сон

М. НУРМУРАТОВ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги
21/9-сон қарорига
ИЛОВА**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КАССА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, НАҚД ПУЛ ВА
БОШҚА ҚИММАТЛИКЛАРНИ ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШГА ДОИР ЙЎРИҚНОМАГА
КИРИТИЛАЁТГАН ўзГАРТИРИШЛАР**

микдорининг” деган сўзлар билан
алмаштирилсин.

3. 159-банднинг иккича хат-
бошидаги “ички ишлар органининг”
деган сўзлар “Ўзбекистон Республика-
си Миллий гвардиясининг” деган
сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 170-банднинг биринчи хат-
бошидаги, 176-банднинг иккича
хатбошидаги ва 340-банд-
нинг биринчи хатбошидаги
“ички ишлар орган” деган сўзлар
“Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси” деган сўзлар билан ал-
маштирилсин.

“ТРАСТБАНК” ЮБИЛЕЙНИЙ ҮЗГАЧА НИШОНЛАДИ



(Бошланиши 1-сақифада)

Албатта, Банк олдига кўйган мақсадлар жуда кўп, келажакда ҳар бир вилоятда филиал очишни режалаштирганимиз. Бугун фурсатдан фойдаланиб, барча жамоаларга омад ёр бўлишини тилайман! – дея у сўзини якунлади.

Спорт айёмининг очилиш маросимида барча жамоалар саф тортгач, бокс бўйича олтин ва кумуш медал сохиблари Мирзазебек Мирзахалилов ва Дилшод Рўзметовлар томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат Мадҳияси садоси остида мамлакатимиз байробги баланд кўтарилиб, спартакиада мусобақалари очиқ деб эълон қилинди.

Олий ўкув юртлари спорт мажмуси стадионида ўтказилган “Спартакиада” ўйинларида банк ходимлари бешта спорт турида: енгил атлетика (эстафета), шахмат, волейбол (аёллар ва эркаклар ўртасида), баскетбол ва мини-футбол турлари бўйича ўзаро куч синашди.

“Ҳар бир ходим Банк равнақига узоқ йиллар ўз ҳиссасини қўшади” шиори остида ўтказилган спорт байрами профессионаллар мусобақаси бўлмаса-да, барча иштирокчилар унга пухта тайёргарлик кўришид. Муҳлислар эса тадбир давомида янада байрамона муҳит яратишиди.

Муросасиз ва қизғин, лекин ўзаро хурмат руҳида ўтган спорт ўйинлари якунига кўра енгил атлетика ўйинларида (эстафета): III - ўрин – Банк офис жамоасига; II - ўрин – Самарқанд филиали жамоаси вакилларига; I - ўрин – Андикон филиали жамоасига насиб қилди.

Сабоҳат ХАЙИТҚОРИЕВА

Директор
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош мухаррир
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош мухаррир ўринбосари
Умидда ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун
Тел: 99897 776 60 18
71 234 43 18
Факс: 71 234 43 18
Наша индекси-102.

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чот этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-үй.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетага обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агентлигининг худудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки факат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаrimizни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҶАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)

“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

“ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)

Фронда вилояти

“ФАЗО ИФО” МЧЖ – (90-560-55-95)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамидан ўзиш мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича
мурожаат учун

Тел.:

(998) 97 776 60 18

71 234 43 18

Факс:

(998) 71-234-43-18.

E-mail:

info@banknews.uz

ОБУНА

ИНДЕКСИ-102



Ахборот кўмаги
ЎзА, “Norma Hamkor” МЧЖ

Таҳририят манзили:

100060, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-йи e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_axborotnomasi

Чоп этишига тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”
МЧЖ

Газета таҳририятини техник ускуналарида
саҳифаланди.

Таҳририятнинг факат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси”да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Кўлёмалар тақриз қилинмайди ва кайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб раками билан рўйхатта олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.

Буюртма № 1003

Адади 1719 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 жамкада, 3 шартли босма табобда чот этилди.
Босишга руҳсат этилди: 2.10.2019 й.,
12 3 4 5